

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

144 Асосий воситаларни балансдан чиқариш тартиби
тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар
киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил
12 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1401-1*

(2010 йил 22 майдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 343-сон «Бюджет ташкилотлари ва давлат унитар корхоналарининг асосий воситаларини ҳамда қурилиши тугалланмаган объектларини сотиш, шунингдек уларни сотишдан тушган пул маблағларини тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон, 578-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2004 йил 16 августдаги 101-сон буйруғи (рўйхат рақами 1401, 2004 йил 29 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 34-35-сон, 398-модда) билан тасдиқланган Асосий воситаларни балансдан чиқариш тартиби

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й.

тўғрисидаги низомга иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Вазир

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 6 апрель,
28-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.